
Марғилон шаҳрида “Ёшлар ойлиги” доирасида “Веломарафон” ташкил этилди

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ёшларнинг кундалик турмуш тарзига киритиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида ташкил этилган ушбу спорт тадбирида шаҳримиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи кўнгилли ёшлар ҳамда сектор раҳбарлари иштирок этиб Мустақиллик кўчасида жойлашган 8-умумтаълим мактаби ҳудудидан "Ижодкорлар боғи" майдонигача бўлган масофани босиб ўтишди.

2021-06-03 11:09:35